

## Самарқанд Ислон дунёсининг маданият пойтахтига айланади



11:43 / 28.05.2025 1007

Ислон олами таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) раҳбари Салим ибн Муҳаммад Малик бошчилигидаги делегация Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюрди. Бу ҳақда [cisc.uz](http://cisc.uz) нашри хабар берди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан барпо этилаётган Ислон цивилизацияси марказининг қурилиш жараёни билан яқиндан танишиб чиқди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан марказнинг 2-қаватида хорижий ташкилотлар учун ажратилган жойлар, жумладан, ICESCO учун ажратилган махсус офис билан ҳам танишдилар.

«Бу марказ қурилишини эшитгандим, аммо бу қадар маҳобатли эканлигини ўйламагандим», дейди Салим ибн Муҳаммад Малик. — Мен ушбу жойда оддий қурилиш бўлаётган бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин кўрдимки, жуда кенг қамровли иш олиб бориляпти. Ўзбекистон раҳбариятининг, маданий меросни ўрганишга, ислом тамаддунига давлат даражасида бундай эътибор қаратаётгани жуда мени ҳайратлантирди ва қувонтирди. Давлатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жуда катта амалий иш бўлаётганига амин бўлдим. Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлганман, аммо ислом маданияти ва цивилизациясига юксак эътиборни Ўзбекистонда кўрдим.

Мартабали меҳмон Марказда ICESCO ташкилоти учун ажратилган хона ва яратилаётган шароитлар учун Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида ташаккур билдириб, келгусида Ислом цивилизацияси марказида ICESCO'га аъзо давлатлар мутахассислари учун фан, маданият ва бошқа соҳаларда илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва йирик форумлар ташкил этишга хайрихоҳлигини маълум қилди.

Марказ биноси билан танишилгандан сўнг, икки томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Жумладан, ICESCO бош директори Салим бин Муҳаммад Малик Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов билан учрашди. Бу ҳақда [alaraby.com](http://alaraby.com) нашри хабар берди. Мулоқот давомида ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан атрофлича фикр алмашилган. ICESCO томонидан амалга оширилаётган истиқболли ташаббуслар, жумладан 2025 йил Самарқанд шаҳри Ислом дунёсининг маданият пойтахти сифатида нишонланиши [таъкидланди](#).

Ўз навбатида, жаноб Салим Малик ICESCO'га аъзо ислом давлатларида сақланаётган ва Ўзбекистонга бевосита алоқадор бўлган тарихий артефактлар, қимматли қўлёзмаларнинг махсус кўргазмасини ўтказишга ҳам амалий ёрдам беришини, юртбошимизнинг мазкур улуғвор ғоясини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўтказилиши кутилаётган буюк муҳаддис Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро конференцияга қизғин тайёргарлик кўрилаётганига ҳам тўхталиб ўтди.

**Манба: [uza.uz](http://uza.uz) ва [cisc.uz](http://cisc.uz)**